ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ СУРИНКАЛИ ИЧКИЛИККА РУЖУ ҚЎЙГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

Нарзиев Шахзод Зойирович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси ўқитувчиси
Усмонов Муслимбек Мўйдинжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси курсанти
https://doi.org/10.5281/zenodo.11235550

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада профилактика инспектори спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш фаолиятини илмий-назарий асослари,Профилактика инспекторининг спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш фаолиятини методологик асослари. Бундан ташкари Профилактика инспекторининг спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш фаолиятини тартибга солувчи нормаларнинг амалиёт тахлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал хужжатлар, ушбу фаолиятдаги муоммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд муаомо ва камчиликларни бартараф етиш буйича бир катор таклифлар. Профилактика инспекторининг спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш фаолияти бўйича бошқа давлатларнинг илғор хорижий тажрибаси хамда миллий конунчилигимиздан фаркли ва ухшаш томонлари, шунингдек, юкорида келтириб ўтилган жихатлари фойдаланган холда ушбу фаолиятни такомилаштириш йуналишлари ёритиб ўтилган

Калит сўзлар: профилактика, спиртли ичимлик, алкоголизм, гиёхвандлик.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг истиқлол йилларида барча сохаларда тинмай ўзгаришларни амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга жахоннинг кўзга кўринган ва ривожланган мамлакатлари билан турли сохаларда ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани ва қўйилаётганлиги қувонарли холдир. Қадимий, бой тарихга эга ҳамда маънавият ва маърифат ўчоғи бўлган Ўзбекистон ўзининг бу томонлари билан дунё ҳалқларини қизиқишини ортирди. Мамлакатимизда бугунги кунда фуқароларга жуда кўп имкониятлар ва шароитлар яратилиб берилмоқда. Соғлом ҳаёт тарзини таъминлаш жамиятимизни жисмоний, маънавий ва маданий жиҳатдан таъминлаб бориш мақсадида йрик ижтимоий дастурлар қабул қилиниб ижро қилинмоқда. Ҳусусан 10 000 қадам лойиҳаси ҳам бунга мисол бўла олади.Инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаш – бу ижтимоий вазифалардан биридир. Шу муносабат билан, охирги вақтларда давлатимиз рахбарияти

томонидан “Спиртли ичимликка ружу қўйиш, сурункали ичкиликбозлик, алкоголизм” каби салбий ижтимоий иллатга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Алкоголь маҳсулоти бу – коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти[1].

Алкоголга қарамлик–алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, алкоголдан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик (сурункали алкоголизм)[6];

Маълумки, вояга етмаганлар томонидан спиртли ичимлик истеъмол қилилиниши уларнинг жисмоний ва руҳий соғлиғининг ёмонлашуви, маънавий ва ахлоқий сифатларини таназзулга юз тутишига олиб келади.Мамлакатимиз умумий аҳолисининг **01.07.2021 йил** ҳолатига кўра **34558891** нафарни ташкил этса, шундан **42 фоизини 18 ёшгача** бўлган болалар, **66 фоизини** эса – **30 ёшгача** бўлган ёшлар[2] ташкил этади. Ушбу қувонарли ҳол айни пайтда, катталар зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Шу сабабли сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Шу билан бир қаторда ёшларни жамиятга мослаштириш, жиноятчиликка ҳамда ёшлар ўртасида спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини тарқатилишига қарши кураш билан шуғулланувчи давлат идоралари ҳамда улар тизимларида тез ва кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди.

Ёшлар орасида ичкиликбозлик ва спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларига бўлган суиистеъмоллик ҳолатининг ўсиши нафақат аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатади, балки катта миқдорда ижтимоий ва иқтисодий йўқотишларга ҳам сабаб бўлади.

Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича мактаб ёшидаги шахслар спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини қизиқиш оқибатида истеъмол қилиб кўради. 14–16 ёшлилар томонидан спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини истеъмол қилишнинг бирдан-бир сабаби унинг дўстлари даврасидан ажралиб қолишни хоҳламаслигида ҳисобланади. Мазкур омил кўрсатгичи 17–18 ёшлиллар орасида 2 маротаба аҳамияти йўқотса, 20–30 ёшлилар орасида бу ҳолат кузатилмайди. Улар томонидан спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари лаззатланиш, ҳордиқ чиқариш мақсадларида истъмол қилинади.

Ўтказилган тадқиқотларда хавф-хатар гуруҳига кирувчилар ёшлар қаторида қизлар ҳам мавжуд эканлигини баён қилишган.Жиноятга оид

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки аҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги конуни. Т., 2011. [6]ўша манба.

[2] www.stat.uz. Расмий сайти. 01.11.2021

статистика ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиёти маълумотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари таҳлилига қараганда охирги даврда гиёҳвандилик моддалирини истеъмол қилишнинг жуғрофий кенглиги ва спиртли ичимликка ружу қўйиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг нисбати ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга айтиб ўтиш лозимки, “Спиртли ичимликка ружу қўйиш, сурункали ичкиликбозлик ва захарвандлик” жиддий криминоген ҳолат ҳисобланиб, айрим ҳудудларимизда тезкор вазиятниинг мураккаблашиб кетишига олиб келмоқда. Жамиятимиз ҳаётида бундай салбий иллатнинг йўқ қилиб юбориш, уни бартараф этиш кенг ва оммавий тарзда йирик ижтимоийсиёсий, маъмурий, тиббий ва бошқа бир қатор муамммолардан иборат бўлган комплекс масалаларни хал этиш лозим. Айниқса халқимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантириш, доимий тарзда, керак бўлса жойларда тарғибот ишларини самарали амалга оширишимиз зарур. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган эркин демократик давлат қуриш йўлидаги ислохотлар биринчи навбатда жамият аъзоларини тинчлигини таъминаш, уларни эркин яшаш шароитини яхшилашга қаратилган. Шу мақсаддан келиб чиқиб ҳар бир фуқаронинг маънавияти ва дунёқарашининг янги давр талаблари асосида шакллантириш ҳамда шахс маънавиятида юзага келадиган турли иллатларни юзага келтирмаслигини таъминлаш ҳамда давлат сиёсатида алоҳида эътиборга олинган. Шунинг учун шахс маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи “гиёҳвадлик, сурункали алкоголизм ва заҳарвандлик” каби иллатлар ҳозирги даврдаги долзарб муаммолардан биридир. Чунки жамият тараққиётининг салбий таъсир қилувчи бу иллатлар оқибатида кўплаб жиноятлар содир бўлмоқда, оилалар барбот бўлмоқда, болалар ногирон туғилмоқда. “Гиёҳвадлик, сурункали ичкиликбоздик ва захарвандлик”ка қарши курашишда профилактика инспекторлари аввало бу каби иллатларни жамиятимизда ошиб бориши енг асосийси оилага жамиятга бориб тақалишини эътиборга олиши лозим. Буларнинг негизида эса давлат шакилланади шуни инобатга олган ҳолда бу каби “спиртли ичимликка ружу қўйиш сурункали алкагализим ва захарвандалик”ни тарқалишига аввало шу оилада яшаб турган оила аьзолари ва маҳалланинг бефарқлигидадир.

Профилактика инспектори жамиятда бу каби омилларнинг йўқотиш учун махалла билан доимо ёнма – ён равшда иш олиб бормоғи ўзини ўзи бошқарувчи органлар билан мажлизлар қилиб маҳалладаги нотинч оилаларни аниқлаш ва якка тартибда профилактик суҳбатлар олиб бориши лозим. Яна бр томони ичкиликбоздик ҳозирги кунда жиноятларнинг содир етилишига таьсир кўрсатувчи криминоген омиллардан хисобланади.

Жумладан: Бугунги кунда қасддан одам ўлдириш баданга енгил тан жарохат етказиш еҳтиётсизлик орқасида шаҳснинг ҳаёти ёки соғлиги учун ҳавф туғдириш кўпинча зўравонлик ва ғаразгўйлик жиноятларининг шунингдек жамоат тартибига қарши содир этиладиган жиноятлар

ичкиликбозлик билан узвий боғликлиқликда содир этилади . Чунки спиртли ичимлик истеъмол килиши окибатида оргатнизимга айникса шахснинг асаб тизимига салбий таьсир етиши натижасида асаб тизими тормизланиши , ўзини бошқара олмаслик, қилаётган хати-харакатини окибатини англаб этмаслик ва шахснинг ҳулк-атворида эмацианал ҳолатларнинг салбий таьмонга ўзгариши кузатилади.

Спиртли ичимлик ва захарванд модда истеъмол қилган шахслар ўз ҳаракатларини назорат кила олмайдиган, жиззаки, кўпол бўлиб колади. Буларнинг барчаси маст кишининиг онгида жамиятдаги ўрнатилган ахлокодоб нормалари ва қонунларига бефарклик, яни хурматсизликни шакиллантириш билан бирга унга жамиятга зит бўлган ғайриижтимоий салбий ҳаракатлар,хулк-атворни шакилантиради ва охир-окибат жиноят ва ҳукукбузарликлар содир этилишига сабаб бўлади[3].

“Спиртли ичимлик ва захарвандлик”нинг энг ҳавфли асорати шундаки, у шахсни физалогик таьмондан гиёҳванд моддаларига, спиртли ичимликларга, захарванд моддаларга, мисол килиб олганда бензин, ҳимикатлар ҳидлаш оркали, боғланиб колишига олиб келмокда. Бу жамиятга ва инсониятга ниҳоятта кўп зарар этказадигон офат десак муболаға бўлмайди .

Спиртли ичимлик ва захарвандаликка қарши кураш ва уни олдини олиш фаолияти барча ҳукукий фанларда ўрганилади .жумладан, тезкор-кидирув фаолиятида бундай иллатга чалинган шахсларни кўлга олиш, уларнинг жамиятга келтирадиган зарарни камайтиришга оид фикрлар айтилса, жиноят ҳукуки фани предметида уларнинг содир этган жиноятларига керакли жазо бериш ҳакида маълумот беришади, профилактика фаолиятида эса бу иллатларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланади ва амалга оширилади, шунингдек, бу зарарли иллатларни ўзига ҳос ҳусусияти белгиланади ва амалга оширилади, шунингдек, бу зарарли иллатларнинг олдини олиш улар билан профилактик ишлар ўтказиш, ҳар-ҳил чоратадбирлар кўриш уларни ҳар томонлама кўп муҳитдан ўргатишни таказо этади.

Шу ўринда “сурункали ичкиликбозлик” ўзи нима деган саволни туғилиши табиий.Биринчи навбатда бу иллатлар киши организмига оғир асоратларни келтириб чиқарувчи касалликдир, чунки спиртли ичимликка берилган одамнинг ҳаёти ва фаолияти бундай моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилишига боғлиқ бўлиб, бу нарса шасхни ҳам жисмоний ҳам руҳан ҳолдан тойишига олиб келади.

Сурункали ичкиликбозликка ружу қўйиш деганда – шахснинг спиртли ичимликлар ароқ, вино, самагон, бўза ва кишини маст қилувчи бошқа ичимликларга муккасидан кетиши, уларнинг истеъмол қилмасдан туролмаслиги ва унга физиологик боғланиб қолишидир. Сурункали

[3] Ўзбекистон Республикаси ИИВнинги статистик маълумотномаси.

ичкиликбозлик шахснинг ижтимоий хатти-ҳаракатларини содир этишига олиб келувчи асосий омиллардан бири. Айниқса сурункали ичкиликбозлик касаллиги оқибатида шахснинг маънавий қарашлари торайиб, ижтимоий фаолияти сустлашади. Оқибатда, ушбу касалликка йўлиққан шахслар оиласида меҳнат жамоасида ва жамиятда хавфли муҳитни яратадилар.

“Сурункали алкоголизм” нинг энг хавфли асорати шундаки, у шахсни физиологик томонидан “сурункали ичкиликбозлик”ка боғланиб колишга олиб келмокда.

“Алкоголизм” сўзи асли арабча “Ал-куҳл” сўзидан олинган бўлиб, айрим манбаларда таъкидланишича “ўткир кукун”, “оловли сув” деган маъноларни билдиради.Дунёнинг аксарият мамлакатларида ичкиликбозлик, кашандалик, заҳарвандлик ва спиртли ичимликка ружу қўйиш каби миллий генафонддаги инсон зурриёдига, насл-насабига ўта салбий таъсир этувчи касалликлар зарарли одатлар кўпайиб бормоқдалигини олимлар кайд этишмокда.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, инсонлар онгига саломатликни сақлаш ўз қўлларида эканлигини сингдириш, алкоголь ва тамаки махсулотлари, спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари ва психотроп моддалари истеъмол қилишга қарши кураш олиб боришда, аввало гиёҳванд моддадарини истеъмол қилишнинг мотивларини аниқлаш мақсадса мувофиқ.

Ҳуқуқий жиҳатдан тегишли қонунлар билан чеклаш орқали хал этиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи қолаверса у ёки бу мамлакатдаги қонунчилик тажрибаси яққол кўрсатмоқда.Ҳозирги кунда – алкоголизм атамаси нафақат биологик ёки тиббий тушунча сифатида балки, ижтимоий тушуча сифатида ҳам қўлланилмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майда қабул қилинган қонуннинг 26-моддаси:

Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари амалга оширади.

Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация

қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; мастлик ҳолатида, спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шартшароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш; спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Мажбурий даволашни ўтаётган ва даволашга ҳамда меҳнат терапиясига виждонан муносабатта бўлаётган шахсларга қонунда белгилантган тартибда таътил берилиши мумкун. Шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги суднинг карори уни ишдан бўшатиш уни нафакасини тўламай ишдан бўшатишга асос бўлади. Мажбурий даволашга юборилган шахслар аввалги яшаш жойидаги турар жойи майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини саклаб коладилар.Даволаш муассасасида бўлиш вакти меҳнат стажининг бузилишига олиб келмайди.Даволаш муассасаларидан мажбурий даволашдан кайтган шахсларни ишга жойлаштириш туман, шахар шахардаги туман хокимлари зиммасига юклатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекситон Республикаси Конституцияси -Т 2024
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-Т 2023
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидагиКодекси. Расмий нашр. – Т 2023
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки аҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги конуни. Т., 2011. ўша манба.
6. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинги статистик маълумотномаси.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун // Тошкент ш.; 2016 йил 116 май; ЎРҚ-407-сон // URL: http://www.lex.uz.

8. 8.Ўзбекистон Республикасининг «Сурункали алкоголизм, спиртли ичимликка ружу қўйиш ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги 2020 йил 27-октябрдаги қонуни // URL: http://www.lex.uz.
9. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16- 20.
10. Қушбоқов Ш., Самадов М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.
11. Алтмишев Т., Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. Special Issue. – С. 112-114.
12. Qushboqov S. Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil //Центральноазиатский журнал образования и инноватsiй. – 2023. – Т. 2. – №. 2 Part 2. – С. 49-52.
13. Қушбоқов Ш., Турниёзов Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
14. Қушбоқов Ш. Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 114-117.
15. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
16. Qushboqov S., Mamatova D. yangi O‘zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o‘rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
17. Охунов, З., & Қушбоқов, Ш. (2022). Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 2(11), 34-39.
18. Qushboqov S., Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инноватsионные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.

19. Охунов З., Қушбоқов Ш Т. Т. С. Э. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39. 195

20. Qushboqov S., Tilabov S. Kiber jinoyatlardan saqlanishda umumiy profilaktikani o‘rni //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 67- 69.

21. Qushboqov S. X., Usipbekov N. J. Yurtimizda mahkumlarni ozodlikka tayyorlashda amalga oshirilgan islohotlar va ulardan kutilayotgan natijalar //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 179-182.